

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.Бердиалиев, М.Зокиров</b>	
Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик тиллари контактига алоқаси .....	88
<b>Ш.Турдиматова</b>	
Функционимлар ва уларнинг тил луғат таркибининг макроқурилмалар тизимига мансуб ҳодисалар билан ўзаро муносабати ҳақида .....	92
<b>М.Эргашев</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларида “феълли боғланиш” лисоний категория сифатида .....	98
<b>Х.Исмоилов</b>	
Суд нутқининг социолингвистик таҳлилига доир .....	101

#### ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Г.Тиллабаева</b>	
Биринчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун кўп нуқтали чегаравий масала .....	105
<b>М.Аҳмедов, Х.Далиев, М.Онарқулов</b>	
(ВIXSB1-X) 2TE3 поликристалл тензосезгир пленкаларнинг электронографик таҳлили .....	109
<b>М.Ҳакимов, М.Маматқулов</b>	
Табиий шарбат олиш учун мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган ШҚМ-18 қурилманинг амалдаги намунасини ишлаб чиқиш .....	112
<b>М.Холиков</b>	
Паразитизмнинг пайдо бўлиши ва оқибатлари .....	114
<b>Ф.Адилов</b>	
Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари (кино ва театр соҳаси мисолида) .....	116
<b>Т.Тургунбаев</b>	
Кимёвий қуролларнинг яратилиш тарихи, жанговар қўлланилиш тавсифи ва уларнинг инсон организмга таъсири .....	119
<b>Э.Тажимирзаев</b>	
Фарғона водийси қишлоқларидаги маданий муассасалар фаолияти тарихидан (кино санъати мисолида) .....	123
<b>Р.Аҳмедова</b>	
Фарғона физиотерапия институтининг ташкил топиш ва фаолияти тарихидан (1923-1950 йиллар) ...	126
<b>В.Ишқуватов</b>	
Ўзбекистонда маҳалланинг моҳияти ва ўзига хослиги .....	129
<b>К.Пулатов</b>	
XX аср 50-йиллар охири 60-йиллар бошида Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаёт (Фарғона водийси мисолида) .....	132
<b>С.Мўминов, Ш.Мўминов</b>	
Мутолаа маданиятининг лингвокультурологик тамойиллари .....	135
<b>Б.Жўраева</b>	
«Қорамол» ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг услубий хусусиятлари .....	137
<b>М.Назирқулова</b>	
9-синфда Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди” ғазали матни устида ишлаш .....	140
<b>М.Саидқабарова</b>	
Қиссадан ҳиссанинг ғоявий-фалсафий функциялари .....	144
<b>М.Деҳқонова</b>	
Наим Каримов ижодининг ойбекшунослик тараққиётидаги ўрни .....	147
<b>Ф.Анварова</b>	
Бошланғич синфларда инглиз тилини тинглаб тушуниш орқали ўқитиш бўйича айрим тавсиялар .....	151
<b>И.Қирғизов, Ғ.Нажметдинов, А.Исмоилов</b>	
Муסיқий таълимда аждодлар меросидан фойдаланиш амалиёти .....	154
<b>Ф.Эркабаева</b>	
Замонавий маҳобатли рангтасвир санъатида мусаввир ижодининг нафис чизгилари .....	156
<b>А.Хасанов</b>	
Ҳарбий таълим факультети талабаларининг ўқув йиғинлари даврида жисмоний машқлар билан шуғулланиш шакллари ҳамда воситаларини аниқлаш .....	159

#### ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

<b>Аҳмаджон Қўшақович Ўринов</b> .....	163
--	-----

#### БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография .....	166
--------------------	-----

УДК: 370/371+78.072.3

**МУСИҚИЙ ТАЪЛИМДА АЖДОДЛАР МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИ**  
**ПРАКТИКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НАСЛЕДИЯ ПРЕДКОВ В МУЗЫКАЛЬНОМ ВОСПИТАНИИ**  
**THE PRACTICE OF ANCESTORS' HERITAGE IN MUSICAL EDUCATION**

**И.Қирғизов, Ғ.Нажметдинов, А.Исмоилов**

**Аннотация**

*Мақолада мусиқий меросимиз нодир дурдоналаридан бири - "Хон чиқар" куйининг яратилиш тарихи ва мазмун-моҳияти илмий асосда ўрганилган.*

**Аннотация**

*В статье исследуется история создания, суть и содержание одного из уникальных произведений национального музыкального наследия – мелодии «Хан чикар».*

**Annotation**

*This article explores the history and content of the creation of one of our unique pieces of musical heritage - "Khan chikar".*

**Таянч сўз ва иборалар:** хон чиқар, Наво, Сегоҳ, Дугоҳ, адвор, лад, жам, Миёнхат, Дунаسر, децима, ундецима, квартдецима.

**Ключевые слова и выражения:** выход хана, Наво, Сеггах, Дугах, напеев, лад, сбор, Миёнхат, Дунаسر, децима, ундецима, квартдецима.

**Keywords and expressions:** the output of xan, Navo, Segax, Dugax, tune, fret, collection, Miyonxat, Dunasr, decima, undecimal, quartdecima.

Буюк адибимиз Абдулла Қодирий "Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик", дея таъкидлаганларидек, мусиқий таълим жараёнида аждодлардан мерос мумтоз мусиқа намуналаридан фойдаланиш долзарб масалалардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросимидаги нутқида: «Мақсадимиз бу ноёб бойликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ундан дунё аҳлини баҳраманд қилиш, келгуси наслларга безавол етказишдир...» деган сўзлари замирида умумтаълим мактабларида ўқитиладиган мусиқа маданияти фани бўйича давлат таълим стандартларида мавжуд талабларга янгиланаётган Ўзбекистон нуқтаи назаридан бир қадар мақсадли ёндашувни, аждодлардан мерос мусиқа тарихига оид жонли лавҳаларни ёш авлод қалбига сингдиришни тақозо этади. Зеро, ўзбек мумтоз мусиқаси улкан истеъдод соҳиблари томонидан ижод қилинганки, унинг негизида тарихий ҳақиқат, мазмунида маънавий ҳаёт, моҳиятида фалсафий мушоҳада, талқинида маҳорат, услубида илғор тажриба, тарғибида бунёдкорлик гоёлари мужассамдир.

Хоразмда туғилиб, ўтган асрнинг 50-йилларидан буён Марғилон шаҳрида истиқомат

қилган улкан ҳофиз ва беназир тор чолғу ижроچиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими устоз Искандар Қаландаровнинг ҳикоя қилишича, Хоразм шоҳи (1844-1910) Муҳаммад Раҳим Феруз II адолатли шоҳ, ўз замонасининг ҳассос шоири ва "Комил Хоразмийнинг ташвиқи билан шашмақомнинг кўплаб куйларини ўрганган." Наво, "Сегоҳ", "Дугоҳ" мақомларига боғлаб куйлар яратган. Бастакор сифатида шинаванда, халқ меҳрига сазовор бўлган эди. Иттифоқо шоҳнинг маълум беморлик муддатида халқ у кишига соғлиқ тилаб дуолар қилади, шоирлар шеърлар ёзадилар, ҳунармандлар янги-янги кўркама буюмлар ишлаб чиқарадилар, дурадгор хашаматли кўшклар барпо этадилар, бинокорлар саройнинг очиқ майдонида олти зинали минора қурадилар, бастакорлар эса миноранинг ҳар бир поғонасида Хонга руҳий мадад берсин, дея олти жамли чолғу куйи ижод этиб, унга "Хон чиқар" номини берадилар.

Асарнинг биринчи жам (дастлабки лад бирикмаси-жинслар йиғиндиси) соль мажор лади (сози)да 12 та тактдан иборат адвор (биринчи давр) куй ва усул доиралари тизимида терция интервали(си нотаси)да

**И.Қирғизов** – ФарДУ, педагогика фанлари номзоди, доцент.  
**Ғ.Нажметдинов** – ҚДПИ, доцент.  
**А.Исмоилов** – АнДУ, катта ўқитувчи.

мавжланиб, унинг мадорсиз ҳаракатини маҳзун оҳангда ифода этади. Реприза талабига итоат этган такрорий куй қайтариғи шоҳнинг биринчи зинадаги бир лаҳза нафас ростловига ундайди.

Миёнхат (ўрта хат-ўртадаги куй) соф кварта интервалида ривож топган куйнинг янги кўриниши шоҳнинг галдаги до нотаси (иккинчи зина)га кўтарилишига руҳий кўмак беради. Асар иккинчи бор такрорланиши асносида кайфиятидаги бир қадар хушликни талқин этади.

Иккинчи бор миёнхат негизида юксалаётган навбатдаги мусиқий тузилма шахдам қадамни талаб этиб, шоҳнинг руҳий ва жисмоний ҳолатидаги ижобий ўзгаришлардан дарак беради.

Куйнинг секста интервалида юқори томон сакрама ҳаракатининг суръати нисбатан тезкор ритмда мавжланар экан, бардам қадам ташлаётган ҳукмдор жисмида намоён бўлаётган шодликдан дарак беради. Илло, Одам ато танасига руҳ пуфланганда у билан бирга ҳамроҳ бўлган яхши сас жон билан уйғун эди.

Тўртинчи зинага кўтарилишни мўлжалга олган кичик септима оралиғидаги оҳангда юзага келган ижобий фикр ва туйғуларни акс эттириб, ундаги руҳий хасталик бартараф этишга ёрдам беради. Шу сабабли элсевар шоҳнинг табассумида рўй берган мамнунлик кайфияти мусиқий тизимнинг ҳаётбахш кучи нақадар изчил ва мустаҳкам эканлигини намоиш этади.

Октавани ишғол этган бешинчи зинадаги дунаsr ривож чолғуларнинг баланд пардаларида жарангдорлик касб этади. Ҳар галгидек куй йўналиши пастга, тоника таянч пардаси томон қайтар экан, бу қайтиш Феруз шоҳга алоҳида тин

бағишлайди. Жонли мусиқий мерос ижроси шундай мўъжизаки унга ақл идрок йўли билан қанчалик чуқур киришилар экан, ўзининг меҳригиёҳидан шунчалик кўп баҳраманд қилавериши яна бир бор ўз исботини топади, бу жараёнда.

Одатда устозона мусиқа ижрочилигида оддий товушларни безак ва сайқаллар бойитиб бориш муҳим мезон ва маҳорат ҳисобланади. Зеро,бу омил оҳанг мазмунини бойитиб, инсон руҳини ифодалашга хизмат қилади. Бу борада буюк бобомиз Абу Наср Форобий ўзининг “Мусиқа ҳақида катта китоб” асарида мусиқани уч турда:

-инсонга ҳузур-ҳаловат бахш этувчи;

-инсонда эҳтирос уйғотиб қалбни жунбушга келтирувчи;

- инсонни ўйга толдириб,фикрлашга ундовчи хусусиятини таъкидлаганлар.

Шу маънода куйнинг *ундецима* (ладнинг ўнинчи поғонаси) сари бир қадар тезлашган тарзда ўрлашиб кўтарилиши Феруз шоҳнинг олтинчи зинадаги сўнги майдончани забт этиш тантанаси куйга жўр бўлишга шай турган сурнай, карнай, ноғора-ю доиралар садоси билан уйғунлашиб, том маънодаги эл шодиёнасига айланади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўқувчилар Хоразм маҳаллий услубида ижод этилган “Хон чиқар” куйини тинглар эканлар, ўқитувчининг Феруз шоҳнинг элпарвар ҳукмдорлиги, бадий тафаккурининг кенглиги, шоирлик ва бастакорлик салоҳиятининг юксаклиги ҳақидаги суҳбатидан таъсирланиб, келажакда Феруз шоҳга ўхшаб адолатли ҳукмдор бўлиш, юртни обод ва озод тутиш, мамлакатдаги истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш, бошқарув усулини меҳр-мурувват асосига куриш каби орзулар қалбида барқ уради.

#### Адабиётлар:

1. Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 6-сентябрдаги Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган “Ҳалқаро мақом санъати анжумани”нинг тантанали очилиш маросимидаги сўзлаган нутқи.
3. Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. Девон. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
4. O`zA Milliy kutubxonasi.uz: ЎзА муҳбири Гўзал Сатторованинг Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев билан суҳбати. “Санъат дунё халқларини бирлаштиради”. ЎзА Миллий кутубхонаси.uz
5. О.Матёкубов. "Шарқ таронаси ёки шарқ фалсафасининг ёрқин ифодаси". - "Мозийдан садо". Илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли журнал. 3.(35).2007.

(Тақризчи: Ш.Ханкельдиев – педагогика фанлари доктори, профессор).